

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИ

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Мусабоев Талгат Борибой ўғли

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

Холбеков Навруз Вахобович

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамиятнинг ўзига хос тизим эканлиги, инсон ҳаёти ва жамият маънавий – маърифий ҳодисаларга боғлиқлигига тўхталиб, уни мураккаб жараён сифатида талқин этилган. Муаллиф фикрича маънавият ва маърифат соҳаларига эътиборни янада кучайтириш лозим. Зеро, маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат тараққиётида жуда муҳим ўрин тутди.

Калит сўзлар: маънавият, маърифат, давлат, ёшлар, тараққиёт, китоб, тарбия.

АННОТАЦИЯ

В статье указывается, что общество представляет собой уникальную систему, что жизнь человека и общества зависит от духовно-просветительских событий, и интерпретируется как сложный процесс. По мнению автора, необходимо усилить внимание к сферам духовности и просвещения. Ведь духовность и просвещение занимают очень важное место в развитии любой страны.

Ключевые слова: духовность, просвещение, государство, молодежь, развитие, книга, образование.

ABSTRACT

The article points out that society is a unique system, that human life and society depend on spiritual and educational events, and interprets it as a complex process. According to the author, it is necessary to increase the attention to the spheres of spirituality and enlightenment. After all, spirituality and enlightenment occupy a very important place in the development of any country.

Key words: spirituality, enlightenment, state, youth, development, book, education.

КИРИШ

Онгли мавжудот ҳисобланган инсон бу дунёда яшар экан ўз умридан мазмун-моҳият кидиради, ҳаётида юзага келадиган чигал вазиятлардан боши

қотади ва уларнинг ечимини топишга уринади. Гоҳида ўз саволларига жавоб топса, гоҳида жавоб тополмай қийналади. Ўзи аслида бу мазмундаги саволларга юз фоизли жавоб топиш мушкул иш¹. Зотан турли даврларда мавжуд бўлган жамиятлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ҳолатлар ҳар хил бўлгани каби шу кунгача яшаб ўтган ва айни пайтда ҳам умргузаронлик қилиб келаётган инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, демак ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг ҳаёт борасидаги қарашлари ва бу борада туғиладиган саволларга жавоблари ҳам турлича бўлиши табиий ҳол². Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, баъзи жамиятлардаги вазиятлар ва баъзи инсонларнинг ҳаёт тарзлари қисман бир-бирига ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Шунда уларнинг ҳаёт борасидаги хулосалари ҳам ўзаро мос келиб қолади. Ана шунда ўзгаларнинг умр йўлларига қараб ибрат олиш, улар йўл қўйган хато ва камчиликлардан сақланиш имкониятлари пайдо бўлади. Айниқса, ўсиб-ўниб келаётган ёш авлодни тўғри йўлдан адаштирмаслик муҳим ўрин тутди. Зеро, бу жиҳатлар барча жамиятлар, давлатларга, хусусан, Ўзбекистон тақдирига ҳам таалукли ҳодисадир. Фарзандларимизнинг турли радикал ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик – асосий вазифамиздир. Бу борадаги ишларни янгича ёндашувлар билан давом эттиришимиз керак³.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни замонавий ёшлар масканларига айлантириш чораларини кўриш зарур. Ушбу боғлар таркибида биринчи навбатда спорт майдончалари, амфитеатр ва кичик саҳналар, кутубхона, “Китоб кафелари” бўлиши лозим”⁴.

Негаки, сўнги йилларда маънавий ҳаётимизда рўй бераётган баъзи бир ўзгаришлар, муаммолар кўпларни ташвишга қўймоқда. Маънавият соҳасида жуда кўп ишлар қилинган ва қилинаётган бўлсада улар етарли самара бера олмаяпти ва қуйидаги саволлар очиклигича қолаётир: Нима учун бу ҳаракатларимиз кутилган натижани бермаяпти? Нима учун атрофимизда

¹ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

² Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

³ Salimov, Baxriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

⁴ Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022). ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (11), 359-365.

маънавияти паст, қашшоқ ва тубан кимсалар ҳали анчагина? Ўз халқига, ўз юртига қарши чиқиб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётганлар кимлар ва улар нима учун бундай қияптилар? Айниқса, юртимизда сўнги вақтларда кўзатилаётган ачинарли ҳолатлар; вояга етмаган ўқувчи – ёшларимиз томонидан содир этилаётган жиноятлар сонини ошиб бораётганлиги барчамизни хавотирга солётир⁵.

Бу саволларга бир қарашда тўғри жавоб бериш мушкул. Бизни назаримизда, агарда юқоридаги саволларга фалсафадаги зарурият ва тасодиф диалектикасига таянган ҳолда жавоб изласак, балким уларга тўғри жавобларни топишимиз тез ва осон кечиши мумкин бўлар. Шунини таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ҳозирга қадар ёзилган илмий ишларда, мақола ва китобларда маънавият кўпроқ педагогик ва психологик нуқтаи назаридан чуқурроқ ўрганилган. Аммо, бу ишларда маънавиятнинг фалсафий жиҳатлари етарли даражада ёритилмаган. Ваҳоланки, маънавиятнинг методологик асоси фалсафа ҳисобланади. «Аввало, бу фан (маънавият асослари) ҳам фанлар методологиясига суянади. Фанларнинг методологияси (услугият тўғрисидаги маълумот) – бу фалсафа, аниқроғи диалектика. «Маънавият асослари» фани ҳам ўз мавзуларини шу диалектик услубга суянган ҳолда таҳлил қилади ва назарий хулосалар чиқаради»⁶. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг бу мавзуга қўл уришдан мақсадимиз келажак авлодни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашдаги ютуқлар, муаммолар ҳамда ундаги зарурий ва тасодифий жараёнларни замон талабидан келиб чиққан ҳолда асослаб беришдир.

Тасодиф – ўзидан-ўзи, бекордан-бекор содир бўлмайди. Тасодифнинг рўй беришида, албатта, бирон сабаб, яъни асос бўлади⁷. Биз ана шу фикримизга асосланиб қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин: жамият маънавий ҳаётидаги тасодифлар ҳам ўз-ўзича содир бўлмайди. Бу тасодифларнинг барчаси, албатта, бирон сабаб ёки асос таъсири остида рўй беради. Биз ана шу сабаб ёки асосларнинг мазмун-моҳиятини билиб олиш билангина жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган тасодифларнинг кутилишини тахмин қилишимиз мумкин бўлади. Хўш, жамият маънавий ҳаётида қандай тасодифларнинг эҳтимоли мавжуд?

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқадики, маънавият соҳасидаги, тўғрироғи, жамият маънавий ҳаётидаги тасодифларнинг юз бериши фақат ва

⁵ Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

⁶ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.

⁷ Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

яна фақат инсонларнинг фаолиятларига боғлиқ экан. Яна бир мулоҳаза, назаримизда маънавий жихатдан юксак бўлган жамиятда нохуш тасодифларнинг рўй бериш эҳтимоли жуда паст бўлади. Негаки, бундай жамиятда яшовчи инсонларнинг аксариятини маънавияти ҳам юксак бўлади. Маънавиятли киши эса нима яхшию, нима ёмонлигини аниқ билади. Маънавиятли киши ўз хатти-ҳаракатларининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам яхши англайди. Хуллас, маънавиятли инсоннинг адашиши, тасодифларга дучор бўлиш эҳтимоли жуда кам бўлади. Шу ўринда қадимги Хитой алломаси Конфуцийнинг: «Ҳар ким ўзининг феъл-атвориға (ақл-идрокиға) боғлиқ равишда адашади. Инсоннинг йўл қўйган хатоларига қараб яхши, инсонпарвар бўлганини билишингиз мумкин»⁸ деган гапи жуда мос келади. Конфуцийнинг фикрича ҳар ким ўз маънавий имкониятига кўра ҳаётда адашиши, яъни тасодифларга дучор бўлиши мумкин деган хулосани чиқаришимиз мумкин. Айтиш мумкинки, Конфуцийнинг мазкур мулоҳазаси тасодиф ҳодисасининг ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, инсон ҳаётида бўладиган адашишлар инсоннинг хулқ-атворидан келиб чиқади. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир алоҳида олинган инсон ўз ҳаётида бўлиб ўтган ва бўлаётган тасодифларга ўзи сабабчи бўлади. Уларнинг ҳаммаси қуйидаги хулосага олиб келади. Инсоннинг хулқ-атвори, ақл-идроки, фаҳму-фаросати ёки маънавияти унинг ҳаётида тасодифларнинг содир бўлишида катта таъсир кўрсатади⁹.

Дарҳақиқат, маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат тараққиётида жуда муҳим ўрин тутади. Халқининг маънавияти ва маърифати етук бўлган мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳам шунга яраша юксак бўлади.

Фикримизча маънавият - бу ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий кечинмаларидир. Маънавият-бу ҳар бир инсоннинг ички ҳис-туйғусининг бойлигидир. Демак, бундан келиб чиқадики, инсонларнинг маънавияти турлича бўлади. Лекин, «Одамларни «маънавиятли» ва маънавиятсизларга ажратиб бўлмайди»¹⁰. Чунки одамзод пайдо бўлибдики, у ижтимоий тараққиёт жараёнида албатта, «маънавиятли» бўлиб шаклланади. Маънавиятсиз одам йўқ. Фақат маънавияти баркамол ёки тубан, бой ёки

⁸ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей. Colloquium-journal, (24 (76)), 55-57. doi: 10.24411/2520-6990-2020-12159.

⁹ Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.

¹⁰ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

қашшоқ, юксак ёки паст бўлиши мумкин»¹¹. Ҳар бир одамнинг маънавиятини қайси даражада бўлиши эса, уларни ўраб турган муҳитга, ёки жамиятга ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг маънавий даражасини у яшаётган жамиятнинг маънавий ҳаёти маълум даражада белгилаб беради. Албатта, жамият жуда кенг тушунча, у бутун мамлакатни ўз ичига олади. Лекин, инсон ва жамият орасида яна бир қанча маънавий муҳитлар ёки маънавий алоқалар мавжуд бўлиб, улар ҳам кишиларнинг маънавиятини юксалишида ўзига хос ўринга эга. Буларга аввало, оила, маҳалла, мактаб, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, турли хил ташкилотлар, корхоналар, идоралар киради. Бундай таркибий жамиятларнинг сони жуда кўп бўлиб, улардаги маънавий муҳит даражаси ҳам ранг-барангдир. Шундай экан, жамият маънавиятига берадиган баҳомиз нисбатан умумий тарзда берилган ҳисобланади. Ҳар қандай юксак маънавиятли жамиятда оз миқдорда бўлса ҳам маънавияти қашшоқ ёки тубан «жамият»чалар ва одамлар бўлиши мумкин. Шунингдек, аксинча, маънавий жиҳатдан қашшоқ жамиятда юксак маънавиятли инсонлар бўлиши мумкин. Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, маънавиятни юксалтириш учун тор доирада эмас, балки кенг миқёсда ҳаракат қилиш керак¹².

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор қаратилиб, келгусида ушбу соҳани янада ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар белгилаб олинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармонда «...Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» белгилаб берилган.

Шу нарсани ёдда сақлашимиз керакки, халқимизнинг маънавиятини юксалтиришдан олдин биз аввало, одамларимизга маънавиятнинг ўзи нима, унинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси нималардан иборат эканлигини тушунтиришимиз керак бўлади. Асли арабча сўздан келиб чиққан ва маънолар мажмуи деган мазмунни англатадиган маънавият тушунчасига битта эмас, балки бир нечта таърифларни келтириш мумкин. Шундай бўлиши табиий ҳол. Нега деганда, у ҳақиқатдан ҳам маънолар мажмуасини англатади. Яъни, бир қанча маънолар бирикмаси маънавият тушунчасида мужассам бўлади.

¹¹ Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.

¹² Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Республика маънавият тарғибот марказининг ташкил этилиши, маънавият соҳасида олиб борилган изланишлар ва шу тадқиқотлар натижасида нашрдан чиққан китоблар, ўқув юртларида маънавият дарсларини ташкил этилиши каби хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Бироқ, юқорида баён этилган мулоҳазалар зинҳор маънавият соҳасида ҳамма ишлар қилинган деган охириги хулосани келтириб чиқармаслиги керак.

Бизнинг назаримизда, мақсадга эришишимиз учун “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹³.

Баён этилган ушбу ҳаёт фалсафасини халқимизнинг онги шуурига сингдириш эса аввало, биз профессор-ўқитувчиларнинг зиммаларидаги асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим.

ХУЛОСА

– жамиятда юз берадиган тасодифлар ўша жамиятнинг маънавий жиҳатдаги ривожига боғлиқ бўлади ва жамиятда рўй берадиган тасодифларнинг илдизини ўша жамиятдаги жараёнлардан қидириш керак. Маънавий жиҳатдан юксак бўлган жамиятда нохуш тасодифларнинг рўй бериш эҳтимоли кам бўлади;

– жамият маънавий ҳаётидаги тасодифлар ҳам ўз-ўзича содир бўлмайди. Бу тасодифларнинг барчаси, албатта, бирон сабаб ёки асос таъсири остида рўй беради;

– тасодиф категориясини илмий билиш натижасида ёшларни тасодифий адашишлардан сақлаш ва ёвуз ниятлилар таъсир доирасидан асраш мумкин;

– инсоннинг хулқ- атвори, ақл-заковати ва фахму-фаросати унинг ҳаётида тасодифларнинг содир бўлишида катта таъсир кўрсатади. Демак, ҳар бир инсон ўз ҳаётидаги тасодифларга ўзи сабабчи бўлади ёки ҳар ким ўз маънавий имкониятига кўра ҳаётдаги тасодифларга кўп ёки кам дучор бўлади;

– маънавиятли инсонинг адашиши, тасодифларга дучор бўлиш эҳтимоли жуда кам бўлади;

– тасодиф инсонга ҳам дўст, ҳам рақиб, ҳам душман бўлиши мумкин, демак, тасодифга ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда тайёр турмоқ лозим, шу боис, тасодиф инсон ҳаётига маъно-мазмун беради.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.
2. Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди диссертацияси. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси(№417. Ю-34272/0). Тошкент. 2008, 144 б.
3. Салимов, Б. Л., Мазбутов, Д., & Жўраев, А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 11-17.
4. Лутфуллаевич, С. Б. (2020). Философская роль диалектических категорий в жизни человека. *Историческая психология и социология истории*, 13(1), 111-119.
5. Salimov, B. L. (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 178-182.
6. Салимов, Б. Л. (2020). Жизненный путь природы и общества состоит из цепи случайностей и необходимостей. In *Colloquium-journal* (No. 24 (76), pp. 55-57). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.
7. Salimov, B. L. (2021). The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.
8. Салимов, Б. Л. (2022). ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3(11), 359-365.